

# ЎЗМУ

# ХАБАРЛАРИ

№ 3/1 ✦ 2013



ВЕСТНИК НУУЗ ✦ АСТА NUUZ

ЎЗБЕК

31

# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ ВЕСТНИК НУУЗ АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ 1997 ЙИЛДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

2013  
3/1

Бош муҳаррир:

**Ғ.И.МУҲАМЕДОВ**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:

**Ҳ.А.ТОЙЧИЕВ**

**Б.А.ШОИМҚУЛОВ**

Тахрир хайъати:

- Ҳ.А.ТОЙЧИЕВ
- Б.А.ШОИМҚУЛОВ
- Б.Э.ХУСАНОВ
- Х.АКБАРОВ
- Н.А.ЖАББОРОВ
- Ж.Ш.ДЖУМАБАЕВА
- Р.ИКРАМОВ
- Ҳ.Д.ИШБАЕВ
- Р.МАҲАМАДАЛИЕВ
- М.С. МИРСОАТОВА
- А.МЎМИНОВ
- Н.М.МАЖИДОВ
- А.К.РАҲИМОВ
- Б. ЭШЧОНОВ
- М. ХАЙДАРОВ

Масъул котиб:

**К. РИХСИЕВ**

ТОШКЕНТ-2013

МУНДАРИЖА  
СОЦИОЛОГИЯ

АЛИҚОРИЕВ Н.С., ТАНГИРОВА С.Э. Социал башорат ва технология.....	4
СУБҲОНОВ Н.С. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жамиятдаги ўрни, унинг ёшлар ўртасидаги мавқеи.....	7
КАЛАНОВ К., ХАМЗАЕВ Б. Социологический анализ малых городов Узбекистана через призму «Устной истории».....	10
РИЗАЕВА М. Социальные проблемы семейно-брачных отношений в Узбекистане.....	13
АЛИҚОРИЕВА А.Н., ЯДГАРОВА Ф.И. Аёллар ижтимоий ҳимоясини янада такомиллаштириш давр талаби.....	16
ИСАКУЛОВ Ш.Н. О дальнейшем усилении роли отечественных СМИ в разъяснении населению правовых основ трудовой миграции.....	19
ГАФФАРОВА М.К. Фуқаролик жамияти шаклланишида замонавий аёлнинг социал кифоаси.....	23
МИРЖАВҲАРОВА Ф. Ҳарбий жамоалар руҳий ҳолатининг социал омиллари.....	26
ФАЙЗИЕВА Ф.Б. Ўқувчи ёшлар билимини юқори сифат даражаси - келажак пойдевори.....	30
ХЎЖАҚУЛОВ Ш.А. Ижтимоий тизимда шахс социал экологиясини шакллантирувчи омиллар.....	33
АВАЗОВ С.Э. Ёшлар таълими ва бандлиги – жамият ижтимоий барқарорлигининг асоси.....	36
ХИКМАТОВ С.Э. Ахборот ҳавфсизлиги: ижтимоий тараққиёт омили сифатида.....	39
ТЕМИРОВА Н. Ёшларнинг ҳаётий мақсадини шакллантириш.....	42
АЛЛАЯРОВ О. Интернетнинг социал масалалари.....	45
ТУРАТОВ ШЕВА С. Ахборотлашган жамиятда ёшларнинг ижтимоийлашув жараёни.....	47
АБДУРАҲМОНОВ У.У. Ёшларнинг истикболдаги ҳаёт режаларини белгилашда социал рақобатнинг ўрни.....	49
ҲАЙИТОВ У. Социологияда ижтимоий-сиёсий жараёнларни моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	51
КАЛАНОВА С. Тарихий жараёнларни социологик тадқиқ этишда “Авлодлар алмашиши” ёндашувининг назарий-услубий жиҳатлари.....	55
ТАНГИРОВ А. Шахс фаолиятини биометрик идентификациялаштириш.....	57
УСМАНОВ Ш. Маҳаллий бошқарувда жамоатчилик назорати.....	59
ЮЛДАШЕВ Р.Д. Таълимнинг социомаданий манбалари.....	62
<b>ФАЛСАФА</b>	
НАЗАРОВ Н.Н. Ижтимоийлашув жараёнида жисмоний тарбиянинг аҳамияти.....	65
НИЯЗМЕТОВ А.Н. Фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳуқуқий мероснинг ўрни.....	69
ЯЗДАНОВ У.Т. Жамоатчилик фикри шаклланишида апологетик ва оппонентлик усулларнинг аҳамияти.....	72
СУВОНОВА Д. Ёшлар эстетик идеалини юксалтиришда эстетик эҳтиёжнинг роли.....	75
ТУРҒУНОВ А. Ахборот ижтимоий-фалсафий муаммо сифатида.....	77
ИСМАЙЛОВ А.З. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишида ҳуқуқий онгни билишнинг ижтимоий, фалсафий, онтологик асослари.....	80
ЮЛДАШЕВ Ё.Ф. Ҳозирги техноген цивилизацияда ижтимоий прогресс муаммоси.....	84
ПРИМОВ С. Абу Шакур Ас-Солими Ал-Кешийнинг “Тамҳид” асарининг калом илмига оид манбалари.....	88
ШЕРМУХАМЕДОВА А.У. Ахборотлашган жамият ва глобаллашув жараёнининг ўзаро боғлиқлиги.....	91
ТУЛАГАНОВА М.К. Проблемы общества в философском наследии Фараби.....	93
АМИНОВА Н. Маънавий ва унинг ривожланиш босқичлари.....	96
ХИДИРОВ С. Замонавий ҳазил ва ҳажв турлари ҳамда уларнинг эстетик жиҳатлари.....	100
ХУШВАҚТОВ З.Р., ОЧИЛОВ О.А. Фикр эркинлигининг ёшлар ҳаётидаги роли.....	103
РАСИЛОВ Д.Р. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданият ва ёшларга берилган аҳамиятнинг долзарблиги.....	105
СТРЕЛЬЦОВА А.С., НАЖМИДИНОВ Ж. Анализ современного общества в структуре пространства и времени.....	108
САПАЕВА Д.И. Тадбиркор шахс ахлоқий-эстетик маданиятини шакллантиришнинг ўзига хослиги.....	112
ҒАНИЕВ Б. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммоси.....	115
ИМОМНАЗАРОВА Ш. Ўлан жанрининг бадиий эволюцияси ва ўзига хос ҳудудий-локал хусусиятлари.....	118
ЮЛДАШЕВ Ф.А. Форобий ақл ва дилнинг маънавий-ахлоқий мезонлари ҳақидаги қарашларининг бугунги кундаги аҳамияти.....	121
ХОЛМАТОВА Ш. Интеллектуал салоҳият ва миллий ўзликни англаш диалектикаси.....	125
ДЖУРАЕВ А.А., ДЖУРАЕВА Н.А. Формирование гражданского общества как основа построения гражданского общества.....	128

МАТИБАЕВ Т. Жамиятнинг ижтимоий ҳаётида инсон омилининг ўрни .....	131
ТОШБОЕВ Б. Менталитетдаги ўзгаришлар миллий характер шаклланиши манбаи сифатида .....	134
ХОТАМОВ А., ТАНГИРОВ Н. Билиш фаоллигининг ижтимоий шартланганлиги .....	137
ЮСУБОВ Ж.К. Форобийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ва унинг жамият маънавий ҳаётига таъсири .....	141
УМАРОВА Р.Ш. Беруний томонидан борлик муаммосини илмий-фалсафий тадқиқ этилишининг ўзига хослиги .....	144
КУБАЕВА Ш. Марказий Осиё мутафаккирларининг ижодида инновацион тафаккур намуналари .....	147
ҚАНДОВ Б.М. Миллий ва халқаро ҳавфсизликни таъминлаш – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қафолати .....	150
АЛИМУХАМЕДОВА Н.Я. Миллий идентификация жараёнлари ва синергетика .....	153
НЕГМАТОВА Ш. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар бошқаруви: ҳуқуқий нормалар ва ахлоқий тамойиллар интеграцияси .....	156

### ПСИХОЛОГИЯ

РАСУЛОВ А.И., АЗИЗОВА Ш.В., МИРЗАҲМАТОВА С.М. Психодиагностик методикаларнинг стандартлаштириш талаблари .....	159
АЗИЗОВА Ш.В., ИБРАГИМОВА Л. Шахснинг ўз-ўзини англаши ва баҳолаши диагностикаси .....	162
ГАФФОРИЯ М.А. Хронотоп встречи в цикле И.А. Бунина «Темные аллеи» .....	165

### СИЁСАТШУНОСЛИК

Қўлдашев А.Т. Ўзбекистон: халқаро экологик муаммолар сиёсий муносабатлар аренасида .....	168
НИШАНБАЕВА Э.З. Ижтимоий шерикчиликнинг маънавий-аксиологик хусусиятлари .....	172
ИСАНОВА Г.Т. Сиёсий рекламанинг тузилиши ва тайёрланиш босқичларининг замонавий хусусиятлари .....	175
МАМАДАЛИЕВА Х.Ш. Сотрудничество государства и неправительственных организаций в социальной сфере на опыте Германии .....	178
КАДЫРОВ М.Б. Фуқаролик жамиятида шахс, жамият ва давлат муносабатлари .....	181
КУРАНБОВ Қ.Қ. Барқарор тараққиёт ва инсон капитали .....	185
АКМАЛОВ Ш. Афганская политика Индии в контексте ее стратегических интересов в Южной и Центральной Азии .....	189
ТУРОПОВ Ё. Интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш: социал илдишлари, амиллари, манбалари .....	194
ЭРГАШЕВА М.П. Хотин – қизлар сиёсий ижтимоийлашуви ва фаоллигини оширишда оавнинг ўрни ..	199

### ПЕДАГОГИКА

ГИЗАТУЛИНА О. Роль информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) и сети интернет в образовательном процессе .....	202
АҲРОРОВА З. Ўқувчиларда ҳуқуқий маданият ва масъулиятни шакллантириш .....	206
АМАНЛАЕВ А., АБДУСАМАДОВ Ф. Глобал ўзгаришлар шароитида ёшларда ибрат олиш кўникмасини шакллантириш .....	210
ОЧИЛОВА Б.М. Баркамол авлод тарбияси ва мустақиллик тафаккури .....	213
ИКРАМОВА С.А. “Дунёни билишнинг миллий ўзига хослиги” концепциясининг когнитив тилшуносликдаги ўрни .....	216

## МИЛЛИЙ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА СИНЕРГЕТИКА

Алимухамедова Н.Я.\*

XXI аср тарих саҳифасига глобаллашув ва буюк таракқиёт асри сифатида кириб келди. Бу тарихий жараёнда этномиллий низоларнинг кучайиши муносабати билан, “замонавий цивилизациянинг жамиятда миллий маданиятларнинг роли, уларни сақлаб қолиш омиллари, этномиллий мажоралар ва уларни пайдо бўлиш сабаблари ва мазкур воқеаларда этник факторнинг ўрни”, каби муаммолар муҳим аҳамият касб этмокда [1,91]. Шундай шароитларда этногенез ва миллатнинг келиб чиқиши, миллий идентификация, миллатнинг шаклланиши, миллий таракқиёт масалаларини ўрганишда мавжуд методларнинг етарли натижа бермаслиги, янги парадигмал ёндашувларни тақозо этади. Миллатнинг шаклланиши, миллий идентификация жараёнларини тадқиқ этишда фанларaro характерга эга бўлган синергетик услубнинг янги концептуал имкониятлари мажуддир. Бу услуб нафақат тизимнинг барқарор мувозанат ҳолатини тадқиқ этади, балки тизимнинг ўзгарувчан, турғун бўлмаган, бекарор, тартибсиз ҳолатини ва ўз-ўзидан ташкил топиш натижасида янги сифатий ҳолатга ўтиш жараёнларини тадқиқ этиш имкониятини очади.

XXI асрда кечаётган глобал интеграция жараёнлари, дунёнинг ғоявий-мафкуравий кифасини ўзгартириб, янгича тафаккур услубини тақозо қилмокда. Янги тафаккур услубларидан бўлмиш синергетика XX асрнинг охиридан бошлаб физикавий, кимёвий, биологик ҳодисалардаги ҳамда ижтимоий, иқтисодий мураккаб жараёнлардаги ўз-ўзидан ташкил топиш, ўз-ўзини бошқариш, тартиблиликдан тартибсизликка ўтиш, чизикли ва ночизик каби ҳолатларнинг йўналиш қонуниятларини топишга интилан ҳолда, таракқиётнинг янги қирраларини тушунишга ёрдам бермокда [2,284]. Синергетика таракқиёт жараёнида бекарор ҳолат билан барқарор ҳолат, мувозанатсизлик билан мувозанат ўртасидаги қонуниятдаги, тартиблилик билан тартибсизлик, чизиклилик билан ночизиклилик орасидаги алоқадорлик шаклининг мазмунига таянади.

XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган янги тафаккур услуби Европанинг айрим давлатларида диссипатив структура (очик, ночизикли, бекарор тизим) назарияси (И.Пригожин) [3,4-7], Германияда синергетика (Г.Хакен) [4,53-61], деб номланган.

Физик олим Герман Хакен турли система-лардаги ўз-ўзидан ташкил топиш жараёнларини ўрганган. Унинг фикрича, синергетика кўп қисмлардан иборат бўлган, ўзаро мураккаб алоқадорликдаги компонентлар тизимини ўрганади. [5,240]. Синергетика сўзини Хакен ҳамкорликдаги ҳаракат деб билиб, бутуннинг тизим сифатида акс этувчи қисмларининг келишилган фаолияти маъносида талқин этади. “Синергетика табиий фанлар доирасида вужудга келган бўлсада, менинг

назаримда, – дейди Г. Хакен, – унинг жоиз бўлган изоҳлари инсониятга хос ва ижтимоий жараёнларга дахлдордир” [6,59]. Унинг фикрича, бизни қуршаб турган ва биз кузатиб турган борликда инсон ва инсоният жамиятидан мураккаброк тизим йўқ. Жамиятни, ижтимоий гуруҳларни, инсонни, унинг тақдир масалаларини таҳлил этиш жараёнида синергетика ҳар қандай тизим ривожининг асосий шарт сифатида бу тизимнинг очик бўлиши, яъни атроф-муҳит билан модда, энергия, информация алмашилиши кераклиги ҳақидаги ғоясини илгари суради. Бу ўринда Г.Хакен ғоялари билан “Ҳаёт фалсафаси”нинг машҳур намоёндаси, француз файласуфи Анри Бергсоннинг “очик” ва “ёпик” жамиятлар ҳақидаги ғоялари уйғунлигини кузатиш мумкин. А.Бергсон фикрича “ёпик” (статик) жамият кишилар жамиятини эволюцион тур сифатида сақланишига хизмат қилса, “очик” (динамик) жамият инсониятни кейинги эволюциясига йўналтиради. “Ёпик” жамият боши берк кўчага олиб борса, “очик” жамият ҳаёт жараёнларининг узлуксизлигига олиб келади [7,708].

Синергетика таълимотининг асосчиларидан бири И.Пригожин «Бекарорлик фалсафаси» асаридаги фикрича, шу вақтга қадар, бекарорлик тушунчасига етарли эътибор берилмаган. Лекин бугунги замон фани бекарорликни борлиқнинг муҳим жиҳати, деб ҳисоблайди. Бекарорлик хавф туғдиради, “лекин айна вақтда ўзи мисли кўрилмаган янги оламшумул имкониятларга эгадир. Вайроналик ва парчаланишнинг негизида ҳозирги вақтда бизни хайратда қолдирадиган пайдо бўлиш ва ҳаёт тўғрисидаги оламшумул далилларни кузатиш мумкин” [8,12]. Социумнинг ижтимоий-тарихий динамикасини тузилмавий-синергетик нуқтаи назардан ўрганиш, замонавий жамиятларнинг эволюцион ўз-ўзидан ташкил топишининг омиллари ва зиддиятларини, индивидуал ва ижтимоий оннинг эволюцияси, ижтимоий таракқиёт, цивилизациялар бўҳронларини синергетика ғоялари ва тамойиллари асосида таҳлил этиш ижтимоий борлиқнинг янги қирраларини очишга ёрдам беради.

Синергетикада ўз-ўзини ташкиллаштириш деб мувозанатда бўлмаган очик тизимларнинг оддий ташкиллаштиришдан мураккаб ташкиллаштирилган ҳолатларга спонтан тарзда ўтиш жараёни тушунилади. Қайд этилдики, таракқиёт тартибсизлик – хаос туфайли амалга ошади. Хаос – вайрон этувчи сифатли конструктивдир. Чунки тартиб хаос ёрдамида шаклланади. Хаос ва тартиб бир-бирига боғлиқ, яъни хаосда тартиб мавжуд, ривожланишда барқарорлик ва бекарорлик алмашилиб туради [9,69]. Ҳозирги замон фанига маълум бўлишича, кўпгина тизимларнинг ривожланиши ночизикли моҳиятга эгадир. Бу ҳолда ҳар бир тизимнинг эволюция жараёнида кўп вариантлик ривожланиш имкониятлари мавжуд (бифуркация

\* Алимухамедова Н.Я. – ТИМИ тадқиқотчиси.

ёки полифуркация) ва улар кайтарилмаслик табиатига эга. Бифуркация (лот. bifurcus – иккига бўлиниш) – тизимнинг барқарорлиги пасайиши натижасида бекарорлик ҳолатидаги икки ёки бир неча (полифуркация) тартиб параметрларининг, тартиблиликни ташкиллаштириш вариантларини мавжудлигидир [10,267]. Демак, тизимнинг бекарорлиги, мувозанатсизлиги тизимнинг структурасидаги тартибсизлик – хаос ҳолатига олиб келади. Қадимги юнон мифологиясида хаос (юнон. chaos – турли элементларнинг ибтидоий бетартиб аралашмаси) дунёнинг ибтидоий ҳолати сифатида талкин этилган бўлиб, бутун мавжудотлар элементларнинг бетартиб аралашмасини тартибга келиши натижасида вужудга келган.

Замонавий талкинда хаос – тартибсизлик, шаклсизлик, ноаниклик, структурасизлик, бекарорлик, стихиялилик демакдир. Хаос ҳолатида тизимда қайта ташкиллаштиришнинг бир неча варианты, тармоғи, ҳаракат йўналиши (полифуркация) бўлиши мумкин. Бифуркация эволюциянинг янги йўлини танлаш имкониятидир. Синергетикадаги «...энг муҳим тушунча «ривожланиш йўналишларининг майдони» тушунчаси бўлса керак. Дарҳақиқат, тарихий тараккиёт жараёнларида, ҳар бир инсондан тотиб бутун инсониятгача бир неча маротаба танлаш имкониятига эга бўлади. Бир йўлдан воз кечиб бошқа бир йўналиш танлайди» [11]. Классик тизим нуктаи назарига кўра, биз барча нарса, ҳодисаларда тартиб ва барқарорлик мавжудлигини кўрамиз. Бекарорлик, флуктуация (физик катталикларнинг ўртача қийматларидан тасодикий оғиш, спонтан ўзгариш, хаотик тебраниш), имкониятлардан биттасини танлаш, башоратнинг чекланганлиги синергетик дунёқарашнинг асосини ташкил этади [12,69].

Ҳаракат йўналишидан қай бири танланиши флуктуация – спонтан ўзгаришлар, хаотик тебраниш, ўзгарувчанликнинг локал микёсига боғлиқ. Тизим хаос ҳолатидаги арзимас адашишлардан сўнг флуктуация таъсир доирасига тушиб, кейинги эҳтимолий ҳаракат йўлини топади. Жамиятдаги флуктуациялар – тасодикий, спонтан ўзгаришлар инсонларнинг фаолияти орқали намоён бўлади. Жамиятни янги сифатли тизимга эса конкрет шахс олиб чиқиши мумкин. Ижтимоий тизимнинг бекарорлик ҳолатида алоҳида субъект, қатъий иродаси орқали ёки ижтимоий гуруҳ тарихнинг фаол иштирокчисига айланади [13,63].

Шундай қилиб, кризис доирасидаги барқарорликни бузилиши натижасида тизим ва унинг элементларини аввалги ҳаракат траекториясидан чиқиб кетиши, хаосни вужудга келиши янги ҳаракат йўналишларини топишга, ўз-ўзини ташкиллаштиришга, тараккий этишга ва тизимнинг мураккаблашувида имкон беради.

Синергетик ёндашув доирасида этнослар ва миллатлар синергетик тизим сифатида турли ҳолатларнинг кетма-кетлиги ва орқага қайтмас ўзгаришлар, эволюцион тараккиёт, хаос ва тартиблилик ҳолатларининг алмашинуви нуктаи назаридан тадқиқ этилади. Тизим ички структураси элементларининг ўзаро муносабати ва ташки

муҳитнинг таъсири натижасида вужудга келадиган тизим мувозанатининг бузилиши, яъни унинг кризис ҳолати улкан потенциалга эга бўлган муҳим ва зарурий ҳолат ҳисобланади. Бундай ҳолат тизимнинг доимий динамикасига сабаб бўлади ва тарихий фаолиятини оптималлаштиради.

Этнос ва миллат синергетик тизим сифатида таҳлил этилар экан, ўз-ўзини бошқарувчи, иерархик ташкиллаштирилган, очик, мураккаблашиб боровучи ва ташки муҳитдан мақбул таъсирланиш қобилиятига эга бўлишлик уларнинг асосий белгиси ҳисобланади. Этнос ва миллатларни синергетик тизим сифатида бекарорлиги ундаги “кириш” ва “чиқиш” оқимлари – модда, энергия, ахборот алмашинувида боғлиқ. Бу оқимлар таъсирида этнослар ва миллатлар ўз-ўзини ўзгартириши, ташкил этиши ва тараккий этириши мумкин. Тизим тузилмасининг тез ўзгарувчан ва мослашувчанлиги “кириш” ва “чиқиш” оқимларини вужудга келиш имконияти ва заруриятини яратади [14]. Кириш ва чиқиш оқимлари ўзга этнослар ва миллатлар билан энергия, модда ва ахборот алмашиш жараёнидир. Масалан, миграция ёки экзогамия туфайли инсонлар билан, маҳсулот ва технологиялар билан, маънавий кадрятлар билан алмашиши.

Бугунги кунда авж олиб бораётган глобаллашув жараёни иктисодиёт, сиёсат, маданият, ижтимоий ҳаёт, ишлаб чиқариш ва оммавий ахборот коммуникацияларининг технологик модернизацияси минтакалар, цивилизациялар, давлатлар орасидаги чегараларни аста секинлик билан ўчириб бормоқда. Бу жараёнларнинг таъсирида бир миллат вакиллари турли ҳудудларга миграция қилиши, жаҳон бозорининг тараккий этганлиги маҳсулот ва технологиялар билан алмашиши, ахборот коммуникацияларининг ривож натижасида ахборотни тарқатиш ва қабул қилиш имкониятини ошириб бориши миллатларнинг ташки олам билан ўзаро таъсир этиш даражасини оширди. Глобаллашув интеграция ва унификация (бир хиллаштириш) жараёнларини ўз ичига олар экан, бу борада табиий савол туғилади. Глобаллашув натижасидаги миллатлараро ўзаро таъсирнинг кучайиши миллатларнинг ўзига хослигини, миллий маданиятни, миллий кадрятларни, миллий менталитетни таназзулга олиб келиши мумкинми? Бизнинг назаримизда шу саволга синергетик тамойиллар нуктаи-назаридан жавоб беришга уриниб кўриш мумкин. Ҳар қандай мураккаб тизим каби этнос ва миллатларда даврий равишда барқарорлик ҳолатидан бекарорлик ҳолатига ўтиш натижасида бифуркация жараёни содир бўлади. Этнос ва миллатлар тарихидаги кризис, бекарорлик ҳолатларида тараккиётнинг янги, юқори босқичига кўтарилиш учун ҳаракат йўналишларининг бир неча варианты бўлиши мумкин. Ташки муҳит таъсирига мақбул муносабатда бўлишлик, ўз-ўзини ташкил этиш йўлидаги ҳаракат тўғри йўналтирилганлиги ҳар бир миллатнинг маданияти, ўзлигини сақлаб қолиши ва тараккиётнинг қатъи бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Барқарор бозор иктисодиёти очик ташки сиёсатга асосланган кучли демократик ҳукукий давлат ва

назв  
спел  
общ  
наш  
прод

while  
appea  
ethno  
of eth

фукаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқини муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин" [15,39].

Миллатлар синергетик тизим сифатида ўз ўзини англаши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Миллий ўзини англашнинг қарор топиши ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланиши билан бирга у жамиятни янгиланиши ва миллий эҳтиёжларининг кучайиб боришини таъминлайди. Хар бир миллатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, кадрятлар ва давлатга мансублиги, манфаатлар ва ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши миллий ўз-ўзини англашдир [16,116]. XIX асрдаёқ Гегель биринчи бўлиб "халқларнинг ўз-ўзини англаши" тушунчасини миллий бирликнинг муҳим хусусияти сифатида таърифлаган [17].

Синергетик таълимот нуктаи назаридан этнос ва миллатларнинг мувозанат ҳолатида, яъни тизим

"ёпик"лигида кириш ва чиқиш оқимлари деярли бўлмади. Натижада тизим ривожланмайди, ички тузилмаси соддалашади ва этномиллат изоляция ҳолатига тушиб қолиши ёки кескин ташқи таъсир натижасида йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам этнос ва миллатлар синергетик тизим сифатида ташқи муҳит билан модда, энергия ва ахборот алмашиши унинг умрбоқийлиги ва тараққиётининг шартидир. Демак, тизимнинг бекарорлик ва баркарорлик ҳолатларининг ўзаро нисбати этнос ва миллатлар тараққиётининг узлуксизлигини таъминлайди.

Айрим Ғарб олимларининг, XXI асрга келиб этник факторнинг йўқолиши – "эритиш декчаси"да ассимиллашиб кетиши ҳақидаги, собик совет тузуми мафқурасининг интернационализм ғоялари, синфий тафовутлар қўқолиши билан миллатлар бирлашиб кетиши ҳақидаги башоратлари ўзини оқламаганлигини яқин тарих исботлади. "Совук уруш" даври тугагандан сўнг мафқуралар қарқма-қаршилиги ўрнини цивилизациялар, этнослар, конфессиялар тўқнашуви эгаллаган бир даврда миллий масалаларни ҳал этишда синергетик ёндошув янги парадигмал ечим бўлиши мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент.: Университет, 2007. 91-б.
2. Фалсафа. Қисқача изоҳли лугат. – Тошкент., 2004. – Б. 284.
3. Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. М., 1996. – С. 4-7.
4. Синергетике 30 лет. Интервью с профессором Г. Хакеном. Проведено Е. Н. Князевой // Вопросы философии. 2000. № 3. С. 53-61.
5. Хакен Г. Синергетика. М.: Мир, 1980. С. 240.
6. Принципы синергии. Синергетике - 30 лет. С.59.
7. Ғарб фалсафаси. – Тошкент.: 2004. 708-б.
8. Тоффлер Э. Третья волна. – М.: 1999. С.12.
9. Абдуллаева М.Н. Миллий ғоянинг илмий-фалсафий асослари. – Тошкент.: 2011. 69-бет.
10. Назаретян А.П. Цивилизационные кризисы в контексте Универсальной истории. – М.: 2004. 267 С.
11. Малинецкий Г.Г. Нелинейная динамика – ключ к теоретической истории? – <http://www.ecsocman.edu.ru/images/pubs/2004/06/05/0000160692/>.
12. Абдуллаева М.Н. Миллий ғоянинг илмий-фалсафий асослари. – Тошкент.: 2011. 69-бет.
13. Серикова Д.С. Синергетика как методология познания социальной реальности. – Вестник КРСУ. 2009. Том 9. № 6. – С. 63
14. В.А.Алексеева. Кризис российского этнического субстрата. <http://www.ecsocman.edu.ru/images/pubs/>
15. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Т. 1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. – 39 б.
16. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент.: Янги аср авлоди. 116-б.
17. Гегель. Философия права. Полн. собр. соч. Т.3. – М.: Мысль, 1990.

#### РЕЗЮМЕ

В настоящее время в научном мире появляется новое перспективное направление, получившее название «социальная синергетика» и определяется как прикладной раздел синергетики, специализирующийся на использовании соответствующих методов при исследовании явлений и процессов общественной жизни. В современной науке очень актуальны вопросы происхождения и сущности этносов и наций. В статье автор рассматривает познавательный потенциал синергетического подхода в исследовании процесса этногенеза и становления наций.

#### RESUME

Currently new perspective direction appears in scientific world, which gets a name of "social synergetic", while it determinates as an applied part of synergetic, specializing in using appropriate methods of investigation appears and processes of public life. In the modern science very actually questions about origin and essence of ethnos and nations. In the article author examines cognitive potential of synergetic method in investigation process of ethno genesis and formation of nation.